



## OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TERMIZ MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA  
INSTITUTI



“PAXTA TOZALASH, TO‘QIMACHILIK VA YENGIL  
SANOAT SOHALARINING TEXNOLOGIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH”  
MAVZUSIDAGI  
XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN

2023-YIL 20-21-OKTABR



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR  
VAZIRLIGI**



**TERMIZ MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA  
INSTITUTI**

**"PAXTA TOZALASH, TO'QIMACHILIK VA YENGIL SANOAT  
SOHALARINING TEXNOLOGIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH"**

**mavzusidagi xalqaro ilmiy-texnik anjumanning**

# **MATERIALLARI TO'PLAMI**

## **2-QISM**

**Termiz - 2023**

Ushbu to‘plamda Oliy ta’lim muassasalarini va ilmiy-tadqiqot institutlarida faoliyat ko‘rsatayotgan professor-o‘qituvchi va talabalarning ilmiy tadqiqot ishlarining natijalari e’lon qilingan. Anjuman materiallari Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2023-yil 2-maydagi 118-sonli qaroriga asosan bajarildi.

**Mas’ul muharrir:**

O‘.Axmedov

Termiz muhandislik-texnologiya instituti rektori

**Tahrir hay’ati:**

M.Urozov	Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, tashkiliy qo‘mita raisi
Z. Xudoyqulov	O‘quv ishlari bo‘yicha prorektor, rais o‘rinbosari
M. Majitov	Yoshlar masalalari, ma’naviy-ma’rifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektor, rais o‘rinbosari
Q.Jumaniyazov	“Paxtasanoat ilmiy markazi” AJ Ilmiy ishlar va innovatsiya bo‘yicha bosh direktorning birinchi o‘rinbosari
X.Kamilova	Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoat instituti O‘quv ishlari bo‘yicha prorektori
A.Salimov	Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoat instituti Tabiiy tolalarni dastlabki ishlash texnologiyasi kafedrasi professori
B.Doniyorov	Jizzax politexnika instituti To‘qimachilik maxsulotlarini qayta ishslash kafedrasi mudiri
B.Amanov	Ilmiy-tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash bo‘limi boshlig‘i
N.Safarov	Yengil sanoat va oziq-ovqat texnologiyalari kafedrasi mudiri
O. Ochigliyev	Ekologiya va hayot faoliyati xavfsizligi kafedrasi mudiri
A. Allanazarov	Muhandislik va kompyuter grafikasi kafedrasi mudiri
F.Omonov	Elektrotexnika, elektromexanika va elektrotexnologiya kafedrasi mudiri
B.Qarshiyev	Yengil sanoat va oziq-ovqat texnologiyalari kafedrasi, PhD., katta o‘qituvchisi
O.Abdurahmonov	Yengil sanoat va oziq-ovqat texnologiyalari kafedrasi, PhD., katta o‘qituvchisi
R.Yangiboyev	Yengil sanoat va oziq-ovqat texnologiyalari kafedrasi, PhD., katta o‘qituvchisi
J.Raxmonkulov	Sanoat texnologiyalari fakulteti dekan o‘rinbosari, PhD.
N.Urakov	Metrologiya va texnologik mashinalar kafedrasi, PhD., katta o‘qituvchisi
M.Bobomuradov	Mexanika fakulteti denkan o‘rinbosari., PhD.
A.Qurbanov	Yengil sanoat va oziq-ovqat texnologiyalari kafedrasi assistenti

## ПАХТА ВА УНИ КОМПОНЕНТЛАРИДА НАМЛИК ТАҚСИМЛАНИШИНИ ТАҲЛИЛИ

**Б.Э.Қаршиев**

Термиз мұхандислик-технология институти

*Мақолада пахтани дастлабки ишлаш жараёнларида пахта партиясидаги ҳамда пахта компонентларидағы намлик нотекислиги таҳлил қилинган. Ишлаб чиқарилаётган тола намлигини бир хиллигини таъминлаш учун пахтани қуритиш ва ғарамдаги шамоллатиш ҳисобига пахта намлиги нотекислигини камайтириши имкониятларини аниқлаш лозимлиги күрсатылған.*

*Намлик нотекислиги, пахта ғарими, пахта компонентлари қуритиш тезлиги, намлаш мейёрлари, бүгнинг портсиал босими , намлик салқими.*

Пахтани дастлабки ишлаш обьекті сифатидаги амалий күрсаткичлардан бири уни намлиги ҳисобланади. Пахта намлиги уни сақлашда, тозалаш ва жинлашда ҳамда ип-йиги्रув жараёнларида тола сифати технологик ускуналарни ишлаш самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омил бўлиб унга пахтани дастлабки ишлашни мувофиқлаштирилган технологиясида тегишли меъёрлар белгиланган. Жумладан пахтани сақлашда намлиги 12-13% дан ошмаслиги, тозалаш ва жинлашда 8% бўлиши, тола намлиги эса ип йиги्रув жараёнларида 8% дан ошмаслиги талаби қўйилган.

Пахта кўсаги ғўзапояда очилиш вақтида 110-120% намликга эга бўлиб, қуёш нуридан қурийди ва уни намлиги очилгандан кейин қанча вақт ғўзада туришига боғлик бўлади. Маълумки ғўзапояда кўсаклар жойлашувига қараб бирин кетинлик билан ( 2-3 кун оралиқда) очилади. Бу эса пахта терим вақтида кўсаклардаги ва терилган пахта намликлар ҳар хил бўлиш, яни нотекис бўлишига олиб келади. Терилган пахта намлигига дефоляция сифати хам таъсир этади.

Пахтани ғарамлаш ва сақлаш технологияси хам бир партиядаги пахта намлигини нотекис бўлишига олиб келади. Чунки бир пахта ғарамига 200 дан ортиқ трактор прицепларда олиб келинган ҳар хил дала майдонидан терилган пахтани жойлаштирилиши пахта намлигини нотекислигини оширади.

Пахта ғарами намлиги нотекислигини илмий асосланган кўрсаткичи ишлаб чиқарилган бўлиб бир қатор тадқиқотларда уни қуидаги формуласалар ёрдамида аниқлаш таклиф қилинган [1].

$$P = W_{\max} - W_{\min}; \quad P = \frac{W_{\max} - W_{\min}}{W_{\text{ypt}}} ; \quad (1)$$

Бунда  $W_{\max}$  ,  $W_{\min}$  ,  $W_{\text{ypt}}$  – мос равища ғарамдаги пахталарни максимал, минимал ва ўртача намлиги %

Пахтани ғарамдаги намлиги ўртача қиймати қуйдаги формула ёрдамида аниқланади.

$$W_{\text{ypt}} = \frac{w_1 m_1 + w_2 m_2 + w_3 m_3 + \dots + w_n m_n}{m_1 + m_2 + m_3 + \dots + m_n} = \frac{\sum w_i m_i}{\sum m_i} \quad (2)$$

Бунда:  $w_i$  ;  $m_i$  – ғарамдаги пахта намликлари ва массаси ,

Пахта ғарамидаги пахта намликлари фарқини ошиб кетиши уни тозалаш жараёнларида ифлослик ажралишини хам бир хил бўлмаслиги, яъни пахта ифлослиги хам нотекислигига олиб келади. Бу эса ишлаб чиқариладиган тола партияси сифатига таъсир этади.

Шуни таъкидлаш керакки пахтани қуритиш жараёнида намлик фарқлари камаяди. Агар пахтадан намлик ажралиши тезлигини қўйидаги тенглама билан аниқласак [1]

$$\frac{dW}{dI} = F_\beta (P_n - P_x) \quad (3)$$

Бунда:  $F$ - намлик буғланаётган пахта юзаси ,

$\beta$ -буғланиш коэфиценти;  $P_x, P_n$  - ҳаво ва пахтадаги сув буғининг нармал босими.

Ундан кўриниб турибдики намлик ажралиши тезлиги  $P_x$  ва  $P_n$  лар фарқига боғлиқ бўлар экан.

Агар  $P_n = \varphi * P_n$  десак (4)

$$\varphi = \frac{d}{d+0.622} \quad (5)$$

дан  $\varphi$  ни (4) га қўйсак  $P_n = \frac{d}{d+0.622} \cdot P_n$  бўлади (6).

Бунда  $\varphi$  – ҳавонинг нисбий намлиги,  $d$  – ҳавонинг намлик салқини,  $P_n$  – тўйинган буғ босими [6] – формуладан кўриниб турибдики  $P_n$  қийматини ҳаводаги намлик миқдори  $d$  ва  $P_n$  га боғлиқ экан. Пахтани қуритишда атмосфера ҳавоси ишлатилинишини инобатга олсан, уни намлик салқими паст бўлади, яъни  $P_n$  қиймати асосан  $P_n$  қийматига боғлиқ бўлади.

Пахтани қуритишда температура режими бир хил бўлганда  $P_x$  ўзгармас бўлиб  $P_n$  эса пахта намлигига боғлиқ бўлади, яъни  $P_n = f(W_n)$ .

Пахта намлиги  $W_n$  ошган сайнин  $P_n$  қиймати ҳам ошиб боради. Ушбу ҳолат пахта намлигидаги фарқ ундан ажралиб чиқаётган намлик миқдори фарқига олиб келади. Натижада намлиги юқорироқ бўлган пахта бўлагдан намлиги паст бўлган қисмига нисбатан кўпроқ намлик ажралиб чиқган.

Бу эса қуритиш жараёнида пахта бўлакларини нотекислигини камайтиради. Лекин адабиётлар ва [3] илмий тадқиқотларда қуритиш барабанида пахта намлиги нотекислигини камайтириш миқдори келтирилган.

Амалга оширилган тадқиқотларда [2,3,4] пахтани тозаланишидан олдинги намлиги 8-9% бўлиши тавсия этилган. Унга асосан пахта бўлакларини қуритишдан кейинги намлиги фарқи 1% дан ошмаслиги керак деган хулюсага келиш мумкин.

Пахтани дастлабки ишлашда тола сифатига сезиларли таъсири этувчи омиллардан яна бири пахта компонентлари намликлари ва уларни қуриш нотекислиги ҳисобланади.

Г.В.Банников [5] томонидан барабанга пахта компонентлари намликлари тақсимоти аниқланган

$$W_t = 0,7 W_l \quad (7)$$

$$W_{\text{я}} = 0,46 W_n^{1,275} \quad (8)$$

$$W_k = \frac{P_t W_t - P_{\text{я}} W_{\text{я}}}{P_k} \quad (9)$$

Бунда  $W_k$ ,  $W_t$ ,  $W_{\text{я}}$ ,  $W_n$  – мос равища тола, чигит мағизи ва пустлоғи хамда пахта намликлари;


$P_t$ ,  $P_k$ ,  $P_{\text{я}}$  - тола чигит мағзи ва ядрои массасининг пахтадаги улушки.

(7) – (9) формулалар ёрдамида аниқланган пахта компонентлари намликлари 1- жадвалда кўрсатилган.

Пахта намлиги 11,5% бўлганда тола намлиги 8% бўлар экан. Демак намлиги 11,5% гача бўлган пахта қуритилганда, тола технологик регламент (ПДИ 70-2017) талаби (8%) дан кам бўлар экан. Қуритиш барабанида толани иссиқлик олиб, чигит билан кетма- кет қуритиш натижасида қуриш нотекислиги пахта компонентлари ўртасидаги намлик тақсимланишидаги фарқ янада ошишига олиб келади.

Пахта ғарамидаги пахта бўлаклари намликларини нотекислигини ғарамга жойланадиган пахта намликларини фарқини камайтириш яни бир ғарамга намлиги бир хил бўлган пахтани жойлаштириш ҳисобига камайтириш мумкин. Пахта компонентлари намликларини нотекислигини эса қуритиш усули ва режимини танлаш ҳисобига яхшилаш мумкин.

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола тойлари намликларини таҳлили уларда бир биридан сезиларли даражада фарқ борлигини ва бу фарқ 1,5 – 2,0 % ни ташкил этишини кўрсатди. Ушбу ҳолат дастлабки ишланаётган пахта бўлаклари намликлари нотекислиги мавжудлигини кўрсатади ва бу масалани ечишни энг асосий йўли битта пахта ғаримига жойлаштирилаётган пахта намликларини фарқини минимумга тушириш ҳисобланади. Ғарамланган пахта намлиги ҳаво сўриш ҳисобига ўзгаради, сўнгра қуритилганда хам намлик нотекислиги камаяди. Расмда пахтани ғарамдан бошлаб тозалаш жараёнига узатунча пахта намликлари ўзгариши келтирилган.



Расм. Пахта бўлаклари намлиги фарқларини ўзгариши

Турли далалардан териб келинган пахта намликларидаги фарқ пахта ғарамида ўз аксини топади.

Пахтани дастлабки ишлашни мувофиқаштирилган технологияси (ПДИ 70-2017) да пахтани алоҳида жамлаш ва сақлаш учун намлик даражасининг чегаралари аниқланган бўлиб пахтанинг намлик даражаси битта ғарамда 2-3% гача бошланган, I-II нав пахталарда 14-16% дан юқори намликга эга бўлгани, қолган навларда 18 ва 20% дан юқорилари битта ғарамга жойлашиши кўрсатилган.

Лекин амалиётда битта ғарамга жойлаштириладиган пахта намликларида технологик регламент меъёрларига амал қилиш ҳар доим ҳам талаб даражасида эмас.

Пахтани тозалаш жараёнида уни намлик ўзгариш чегараси 1% дан ошмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади.

Битта ғарамга жойлаштириладиган пахта намлигини максимал фарқини  $\Delta W = W_{max} - W_{min}$  оптималь қийматини аниқлаш учун, пахта ғармини сақлашда ҳаво билан шамоллатиш жараёнида намликни пахта қатламларида қайта тақсимланиш натижасида намлик фарқи  $\Delta W' = W'_{max} - W'_{min}$  бўлиб  $\Delta W_2 < \Delta W_1 < \Delta W_0$  бўлади. Технологик регламент талаби бўйича тозалашда пахта намлиги 8% бўлиши намлик фарқи эса 1% дан

ошмаслигини таъминлаш учун пахта қуритишда намлик нотекислигини камайтириш имконияти қай даражада эканлигини хамда пахта ғарамида шамоллатиш ҳисобига  $\Delta W_0$  ни минималлаштириш миқдорини аниқлаш талаб этилади. Бу кенг қўламли тажриба синовларини ўтказишни талаб этади. Тажриба натижасида  $\Delta W_2$  ва  $\Delta W_1$  қийматлари аниқлангандан сўнг  $\Delta W_0$  ни ўзгариши меъёрлари белгиланниши мумкин.

### **Адабиётлар**

1. Шамсиев И. Р. У. и др. ПОЛУЧЕНИЕ ХЛОПКОВОГО ВОЛОКНА ВЫСОКОГО КЛАССА ЗА СЧЕТ МОДЕРНИЗАЦИИ СУШИЛЬНОГО БАРАБАНА МАРКИ СБО //Universum: технические науки. – 2021. – №. 7-2 (88). – С. 20-24.
2. Қаршиев БЭ П. А. П., Сайдова М. Ҳ. Пахтани қатламда қуритишнинг аэродинамик режимларини аниқлаш тадқиқоти //Фан ва технологиялар тараққиёти. Илмий-техникавий ва амалий журнал. Бухоро. ISSN. – С. 2181-8193.
3. Тошбеков О., Эрматов Ш. Қаршиев Б. Республикаизда етиштириладиган қўй зотларидан олинадиган жун толаларининг хосса кўрсаткичлари тадқиқи //АгроВест Узбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги илмий-амалий журнал. – 2023. – Т. 2. – С. 55-58.
4. Parpiyev A. P. et al. Tozalash jarayonida arrali seksiyalardan ajralib chiqqan chiqindi ulushlarini baholash natijalari taxlili //O‘zbekiston to‘qimachilik jurnali. ISSN. – 2010. – Т. 6262. – №. 1. – С. 2022.
5. Qarshiyev B., Parpiev A. РАВНОМЕРНОСТЬ СУШКИ КОМПОНЕНТОВ ХЛОПКА-СЫРЦА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2024. – Т. 46. – №. 46.
6. Каршиев Б. Э., Исматов С. С. РАВНОМЕРНОСТЬ СУШКИ КОМПОНЕНТОВ ХЛОПКА-СЫРЦА //Экономика и социум. – 2023. – №. 9 (112). – С. 485-489.
7. Парпиев А. П., Каршиев Б. Э. РАВНОМЕРНОСТЬ СУШКИ КОМПОНЕНТОВ ХЛОПКА-СЫРЦА //Universum: технические науки. – 2022. – №. 9-2 (102). – С. 51-54.
8. Каршиев Б. Э. и др. Пахтани тозалашга тайёрлаш технологиясининг таҳлили //RESULTS OF NATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH. – 2022. – Т. 1. – №. 6.
9. Парпиев А., Хушбаков А. Анализ температуры, влажности волокна и семян в технологических процессах на хлопкоочистительных предприятиях //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2024. – Т. 46. – №. 46.
10. Qarshiyev B. et al. The effect of drum drying temperature on the moisture of cotton components //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2024. – Т. 46. – №. 46.
11. Қаршиев БЭ П. А. П. Пахта ва уни компонентларини қатламда қуритиш тадқиқоти //ЎзМУ хабарлари. Илмий журнал. ISSN. – С. 2181-7324.
12. Парпиев А., Исмоилов И. Д., Сабиров И. К. ҚУРИТИШ БАРАБАНЛАРИНИНГ ТАШҚИ ЮЗАСИ ҲАРОРАТИ ЎЗГАРИШИ ТАҲЛИЛИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2024. – Т. 46. – №. 46.
13. Qarshiyev B. ПАХТАНИ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТОЛА ВА ЧИГИТ НАМЛИГИГА ТАЪСИРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2024. – Т. 46. – №. 46.
14. Парпиев А., Исмоилов И. Д., Сабиров И. К. ҚУРИТИШ БАРАБАНЛАРИНИНГ ТАШҚИ ЮЗАСИ ҲАРОРАТИ ЎЗГАРИШИ ТАҲЛИЛИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2024. – Т. 46. – №. 46.
15. Қаршиев БЭ П. А. П., Сайдова М. Ҳ. Пахтани қатламда қуритишнинг аэродинамик режимларини аниқлаш тадқиқоти //Фан ва технологиялар тараққиёти. Илмий-техникавий ва амалий журнал. Бухоро. ISSN. – С. 2181-8193.

16. Qarshiyev B. ПАХТАНИ ҚАТЛАМДА ҚУРИТИШНИНГ АЭРОДИНАМИК РЕЖИМЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАДҚИҚОТИ // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2024. – Т. 46. – №. 46.

17. Парпиев А. П., Гатаев Х. А. ЧИГИТЛИ ПАХТАНИ ҚУРИТИШДА ҚАТЛАМ ҚАЛИНЛИГИНИНГ ПАХТА НАМЛИГИГА ТАЪСИРИНИНГ ТАХЛИЛИ // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2024. – Т. 46. – №. 46.

## **ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ УСУЛИ ОРҚАЛИ ҒЎЗАНИ СУГОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**Чориев Алиқул Жумаевич**

*Термиз агратехнологиялар ва инноватсіон ривожланиши институты*

*Ushbu maqolada global iqlim o‘zgarishi sababli dunyoning xar bir joyida o‘ziga xos suv etishmovchiligi ko‘zatilmoqda. Surhondaryo viloyatining Angor tumanida xo‘jalikning ta’biy sharoitlari, resurslarning tanqisligiga uchrab borilmoqda. G‘o‘zani tomchilatib sug‘orish ishlari ni olib borishda sug‘rishning tartibini ishlab chiqish, xaroratning keskin kamayishi va ko‘tarilishi, ulardan samarali foydalanishga oid ma‘lumotlar tahlili, dala sharoitida muommolarni yechish bo‘yicha taxlilar, ortiqcha resurslar yo‘qotilishiga oid ma‘lumotlar keltirilgan.*

**Кириш.** Сурхон воҳасининг оч тусли енгил қумоқ тупроқлари шароитида ингичка толали ғўзани томчилатиб сугориш усулининг самарадорлигини томчилатиб сугориш усулларини такомиллаштириш, илмий асосланган сугориш тартибини ва уни амалга оширувчи томчилатиб сугориш техникаси элементларини ишлаб чиқишдан иборат. Бугунги кунда ушбу йўналишларда олиб борилган ва эришилган илмий изланишларга қарамасдан, мамлакатимизнинг жанубий минтақаси Сурхон воҳасининг оч тусли энгил қумоқ, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ресурс тежамкор томчилатиб сугориш технологияларини қўллаш асосида уни такомиллаштириш, сугориш тартибини ишлаб чиқиши, эксплуататсіон ишончлилигини асослаш орқали сув ресурсларини тежаш ва хосилдорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар етарли даражада ўрганилмаган.

Сурхондарё вилоятининг оч тусли энгил қумоқ, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб сугориш усулинини такомиллаштириш, илмий асосланган сугориш тартибини ва уни амалга оширувчи томчилатиб сугориш техникаси элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ғўзани томчилатиб сугориш тартиби деб, 1 га сугориш майдонига берилган элементар сугориш меъёри, сугориш сони, сугориш вақти ва мавсум бўйича берилган сугориш меъёрига айтилади. Ғўза учун бир марта сугориш ва мавсумий сугориш бўйича ҳисобланган элементар қиймати, сугориш меъёри қийматига қараб аниқланади, яъни бир га ғўза ўсимликнинг илдиз қатламида тупроқни намлаш учун зарур бўлган сув миқдори. Ушбу қийматлар қўйидаги формула бўйича ҳисобланади.

Экинларни томчилатиб сугоришда Москва Аграр университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган академик Н.Н.Дубенок, К.Б.Шумакова, П.Ю.Шугай ва бошқалар илмий амалий услубига кўра, сугоришга бериладиган бир марта сувнинг меъёри қўйидаги формула билан аниқланади [1- 166-б.].

$$m_3 = \delta_2 \cdot A_2 \cdot HB_y \cdot \Delta\beta, \quad \text{м}^3/\text{га} \quad (1)$$

бунда:  $H$  - сугориш майдонининг ҳисобий қатлами, м;

$B_y$  - намланиш горизонтал проекциясининг ҳисобли кенглиги, м;

<b>163</b>	Галвир жалюзаларига ўрнатилган сомонтутич бармоқлар ўлчамларини аниқлаш Умиров А.Т. т.ф.ф.д.(PhD) Термиз давлат университети, Хурамова С.Ш. Термиз давлат университети, 2-курс талабаси	<b>407</b>
<b>164</b>	Галляйнчгич соддалаштирилган дон тозалаш қисми ишлаш жараёнида иш сифат кўрсаткичларини ўрганиш Умиров А.Т. т.ф.ф.д.(PhD) Термиз давлат университети, Исмоилова Ч.И. Термиз давлат университети 2-курс талабаси.	<b>409</b>
<b>165</b>	Пахта ва уни компонентларида намлик тақсимланишини таҳлили Б.Э.Қаршиев	<b>414</b>
<b>166</b>	Томчилатиб суғориш усули орқали ғўзани суғориш тартибини ишлаб чиқиш Чориев Аликул Жумаевич	<b>418</b>
<b>167</b>	Пахта ва уни компонентларида намлик тақсимланишини таҳлили Б.Э.Қаршиев	<b>424</b>
<b>168</b>	Tuproqning suv sig’imiga bo’lgan talabni aniqlash asoslari Shaymanov Sharofiddin Quvondiq o’g’li	<b>427</b>
<b>169</b>	Interfaol ta’lim metodlaridan foydalanib o’quvchilarga “atom elektron qavatlarining tuzilishi” mavzusini o’qitish usullari Алмардонова Мохичехра Фахриддиновна	<b>431</b>